Ўқувчиларнинг ўқишдан ташқари вақти улар ҳаётида катта ўрин тутади. Шу сабабли бу вақтни тўғри ташкил этишда, ундан дам олиш учун, қизиққан ишлари билан шуғулланиш ва сайрларга чиқиш учун оқилона фойдаланишда уларга ёрдам бериш зрур. Барча формалрдаги синфдан ва мактабдан ташқари ишларнинг чуқур ички моҳияти ўқувчиларни ижтимоий фойдали фаолиятга актив жалб қилиш, уларнинг ташаббуси ва мустақиллигини рағбатлантириш, индивидуал қизиқишлари, майл ва қобилиятларини ривожлнтиришдн иборатдир.

**Мавзу: Меҳнат таълими машғулотларида иқтисодий ва тадбиркорлик асосларини ўрганиш.**

**Режа:**

1. Ҳозирги замон ишлаб чиқаришда иқтисодиёт ва тадбиркорлик.
2. Халқ хўжалигини замонавий эхтиёжлари.
3. Меҳнат дарсида ва тўгарак машғулотларига ўқувчиларни жалб этиб тасаввурини кенгайтириш.

**Хунар таълимида тўгарак ишларини ташкил этиш.**

Дарсдан ташқари машғулотлар бир томонидан, дарс жараёнининг узвий давоми бўлса, иккинчи томондан, ўқувчиларни касб танлашга йўллаш имкониятларини анча кенгайтиради.

Анъанавий методикага кўра синфдан ташқари ишда иштирок этишга ўқувчилар ихтиёрийлик асосида жалб қилиб келинган. Машғулотларни ташкил этишнинг ушбу шакли бир қатор ижобий томонлари билан бирга жиддий камчиликларга ҳам эга. Жумладан, тажрибаларимиздан маълум бўладики, ўқувчиларнинг дарсдан ташқари машғулотларга нисбатан маъсулиятсиз муносабатда бўлиши, берилган топшириқ ва вазифаларни бажаришда интизомсизлик, жамоага алоқадор умумий мақсадларини хурмат қилмаслик каби салбий холатлар машғулотларнинг самарасига салбий таъсир кўрсатади.

Машғулотларда ўқув машқларини имкони борича камайтиришга интилдик, меҳнат дарсларида эгаллаган меҳнат ўқувчиларини хисобга олган ҳолда танлаб бордик. Материалларга ишлов бериш, янги техник ечимларни ишлаб чиқиш жараёнида дуч келган янги жараён машқлар давомида фақат ўзлаштириб олиш вазифасигина эмас, балки у ҳақида умумий тасаввурга эга бўлиб, муайян буюм ясашда ундан фойдаланиш вазифаси ҳам қўйилади.

Шундай килиб, дарсдан ташқари иш жараёнида ўкувчилар меҳнат дарсларидагига қараганда унумли мехнат билан банд бўлиши таъминланди.

Юқорида айтиб ўтилган барча фикрлар меҳнат тарбияси асосидаги дарсдан ташқари машғулотлар вазифаларини қуйидагича ифодалаш имконини беради.

1. Меҳнат таълими давомида ўқувчилар олган билим ва кўникмаларни мустаҳкамлаш, умумлаштириш ҳамда кенгайтириш;
2. Унумли меҳнатга асосланган ижодий фаолиятга ўқувчиларни жалб қилиш;
3. Хозирги замон ишлаб чиқариш асослари ҳақидаги тасаввурни кенгайтириш;
4. Ҳалқ хўжалигини замонавий эхтиёжлари асосида касб танлашга тайёрлаш;
5. Меҳнатга бўлган ижобий муносабатни шакллантириш.

Меҳнат таълимига асосланган дарсдан ташқари машғулотлар турли шаклларда амалга оширилади. Бу Республикамиз ва хорижий Давлатлар педагог олимлари тадқиқотлари ҳамда таълим тизимлари таҳлили ҳамда ўз изланишларимиз натижасида умумий ўрта таълим муассасаларида ўқувчиларни касбга йўналтиришга асосланган дарсдан ташқари машғулотларнинг барча шаклларини шартли равишда уч гуруҳга ажратиб олдик.

***Биринчи гурухга тўгараклар киради.*** Тўгарак дарсдан ташкари машғулотларни ташкил қилишнинг кенг тарқалган ва чуқур тадқиқ этилган шакли ҳисобланиб, ихтисослашувидан қатъий назар уларнинг кўплаб умумий томонлари мавжуд. Шунинг учун турли типдаги тўгаракларнинг раҳбарлари бошқа ихтисосдаги тўгараклар ишидаги касбга йўналтиришга оид илғор тажрибаларни чукур ўрганиб, энг яхши томонларини ўз ишида қўллашлари юқори натижаларга эриши имконини беради. Албатта, тўгарак ишини касб танлашга

йўллаш асосида олиб бориш ўзига хос хусусиятларига эга бўлиб, унинг метод ва шаклларига маълум даражада таъсир кўрсатади.

Мактабларнинг иш тажрибасида турли-туман тўгараклар учрайди. Ўқув предметлари билан боғлиқлик нуқтаи назаридан тўгаракларни уч гурухга: ***Предметга доир, предметлараро ва предметдан ташқари*** тўгаракларга ажратиш мумкин.

**Касбга йщналтиришга асосланган дарсдан ташыари**

**Тщгарак** машьулотлари

- Предметлар билан боьлиы тщгараклар.
а) предметга доир
б) предметлараро
в) предметдан ташыари

- Техник ижодкорлик тщгараклари
а) тайёрлов техника
б) ван-техника
в) спорт-техника

- Ишлаб чиыариш техник тщгараклари.
- Бадиий-амалий тщгараклар

Оммавий шаклдаги дарсдан ташыари машьулотлар

- Ишлаб чиыариш саёьатлари

- Ташкил этиладиган хашар ва шанбаликларда иштирок этиш
- Синфда, синфлараро, туман, вилоят, Республика миыёсида щтказиладиган кщрик мусобаыаларида иштирок этиш
- Ишлаб чиыариш саёьатларини ташкил этиш

- Ишлаб чиыариш ильорлари билан учрашув ва суьбатлар

**Щыувчиларнинг меьнат бирлашмалари**

- Щыув устахонасидаги амалий ишлаб чиыариш машьулотлари
- Мактаб щыув тажриба ер майдонида ишлаш
- Жонли бурчак ташкил этиш ьамда иссиыхоналаридаги фаолият
- Гурухли ва ижара пудратида ишлаш
- Ыщшимча ва хусусий Давлат корхоналари билан шартнома асосида ишлаш
- Оилавий меьнат, касб-ьунар, ьунармандчилик
- Мавсумий ишларда иштирок этиш

***Предметга доир тўгарклар*** деб, бевосита мехнат тарбияси билан боғлиқ бўлган тўгаракларга айтилади. Ўз мазмунига кўра бу тўгараклар меҳнат дарсида ўқувчилар бажарган ишнинг давоми бўлиб, бунда ўқувчиларнинг фаолияти янада мураккаброқ, кенгроқ йўлга қўйилади. Предметга доир тўгараклар жумласига дурадгорлик, чилангарлик, токорлик тўгараклари, аралаш тўгараклар (ёғочга ва металлга ишлов бериш тўгараклари, қўлда ва дастгохларда амалга ошириладиган жараёнларни бажаришга оид тўгараклар) киради.

Предметга доир тўгаракларга дарсдан ташқари машғулотлар хозирча касбга йўналтириш ишида тегишли ўринни эгаллаганича йўқ. Амалга оширган кузатишлар ҳамда тажриба-синов ишларимиз натижасида аниқ бўладики, бу турдаги тўгарак раҳбарлари одатда фанлараро алоқадорлиги ҳамда эгаллаган назарий билимларнинг амалдаги тадбики доираси билан ўқувчиларни таништиришга етарлича эътибор бермайдилар. Натижада предметга доир тўгараклар ташкил қилингандан сўнг 1-2 ой ўтган ўз ишини тўхтатади, чунки ўқувчиларнинг машғулотларига бўлган кизиқиши йўқолади. Бу муаммони ҳал қилишнинг энг маъқул ечимига бизнинг фикримизга кўра фанларга оид хар бир тушунчанинг амалий тадбиқига кўпроқ эътибор қаратиш, уларни амалда намойиш қилиш, машғулотларда амалий йўналтирилганликни оширишга эътибор қаратиш орқали эришилади. Бу вазифалар ҳал этилганида ижодий изланишга чанқоқ, ўз кучларини синаб кўришни истаган ўқувчилар ўз имкониятларини ишга солиш учун шароит яратилади.

***Предметлараро тўгараклар*** ичида физик-техник тўгараклар энг кенг тарқалган машғулот тури ҳисобланади. Бу турдаги тўгаркларда ўқувчиларни касбга йўналтириш ишларини мазмуни тўгаракнинг номидан келиб чиқади. Бунда ўқувчилар физика курсида ўрганиладиган муайян қонуниятларнинг амалдаги татбиқи билан танишадилар, бу эса уларнинг турли касбкорликда қўлланилиш асосларини хам билиб олишга имкон яратади. Шунингдек, ўқувчилар моделъ конструкцияси, унинг деталларини тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқар эканлар, технологик билим ва ўқувчиларни ўзлаштирадилар, моделъ деталларини ясаганда эса уларнинг амалий кўникмалари такомиллашади.

***Предметдан ташкари тўгараклара*** хозирги вақтда дарсдан ташқари машғулот сифатида кенг тарқалган. Ўқувчилар фаолиятининг мазмунига кўра бу тўгараклар турли-туман бўлиши мумкин. Мазкур холда гап шундай предметдан ташқари тўгараклар ҳақидагина борадики, уларнинг ишлари учун мактаб устахоналаридан моддий база сифатида фойдаланилади ёки ўқувчилар фаолияти мехнат дарсларида олинган билим ва малакаларига таянади.

Ҳозирги кунда мактаблар ва мактабдан ташқари муассасалар фаолиятида ўқувчилар ***техник ижодкорлиги тўгаракларининг*** қуйидаги типлари вужудга келган:

***Тайёрлов техника тўгараклари*** (кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар учун). Уларда ўқувчилар жонли ва осон шаклда техника элементлари ҳамда энг оддий технологик жараёнлар билан танишадилар, қоғоз, пластмасса, металл ва бошқа материалларга ишлов бериш бўйича олган бошланғич кўникмаларини ривожлантирадилар. Ўқувчилар техник ўйинчоқлар, машина ва механизмларнинг содда моделларини, энг оддий автоматик қурилмалар, ўқув кўрсатмали қўлланмалар, мактаб ҳамда уй-рўзиғор буюмлари ва хоказоларни тайёрлайдилар. Бу типдаги тўгараклар фаолиятида ясалган ўйинчоқлар ва моделлар билан ўйинлар хамда мусобақалар ўтказиш муҳим ўрин тутади. Тажриба-синов ишлари натижаларига кўра айтиш мумкинки, тайёрлов техника тўгаракларидаги машғулотлар кейинчалик ўрта ва катта мактаб ёшидаги ўқувчиларни касбга йўналтириш ишида барча шаклдаги машғулотлар учун пропедевтик вазифани ўтайди.

***Фан-тпехника*** (физика, физика-техника, химия, химия-технология, агрохимия, астрономия ва бошқа) тўгараклар ўқувчиларнинг мактаб ўқув режасидаги турли фанлар бўйича олган билимларини чуқурлаштириш ва амалий кўникмаларни мустахкамлаш, таълим хоналарини жихозлаш учун асбоб-ускуналар яратиш ва шу асосида ўқувчиларни касбга йўналтириш мақсадларида ташкил қилинади.

***Спорт техника тўгараклари*** мактаблар ва мактабдан ташқари муассасаларида ишлайди. Булар авиамоделъ, ракета-космик модаллаштириш, автомабиль моделчилари, кема моделчилари, темир йўл моделчилиги, радиобошқариш, сув-мотор ва бошқа тўгараклардан иборатдир.

Мазкур тўгаракларда ўқувчилар моделларини ва ишлайдиган тезхникани конструкциялаш ва тайёрлаш билан шуғулланадилар, кейин эса ана шу моделлар билан спортнинг техник турлари бўйича моделчи-спортчиларнинг мусобақаларида қатнашадилар.

Ўқувчилар спорт-техника тўгаракларида тегишли техника тармоғини тарихи, унинг халқ хўжалигида ва мамлакатимиз мудофаасида қўлланиш билан, самалётлар, автомабиллар, кемалар, радио аппаратлари ва бошқа техникалар бўйича конструкторлар техник тафаккурнинг хусусиятлари билан танишадилар.

Ўқувчилар бу тўгаракларда ишлар эканлар, матераилларга ишлов беришга ва уларнинг хоссаларига бевосита алоқадор бўлмаган, лекин буюмларни тайёрлаш жараёни ўқувчилар техник мехнат дарсларида эгаллаган мехнат жараёнларига кўп жихатдан таянадиган кўплаб янги билим хамда ўқувчиларни улар учун янги бўлган мехнат фаолияти турлари билан таништирадиган, ижтимоий жихатдан фойдали, улар учун қизиқарли тўгаракларни ҳам киритиш мумкин. Масалан, кейинги йилларда зарб қилиш, муқовачилик, заргарлик тўгараклари ва бошқа тўгараклар кенг тарқалди.

***Ишлаб чиқариш техиика тўгараклари*** мактаблардаги ва мактаблараро устахоналар базасида, ўқув-ишлаб чиқариш, саноат корхоналари базасидаги ёш техниклар марказларида ва бошқа мактабдан ташқари муассасаларида ташкил қилинади. Одатда бундай тўгараклар рўйхати махаллий шароитларга кўра, аввало ўқувчи тўгаракда олган билимларини, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўзлаштирилган амалий малакаларини кейинчалик қай даражада токомиллаштира олишига кўра белгиланади. Бундай тўгараклар махаллий корхоналарда, қишлоқ хўжалиги тармоқларида кенг тарқалган бирор касбга қизиқадиган ўрта ва катта мактаб ёшидаги ўқувчиларни бирлаштиради.

***Бадиий амалий тўгараклар*** республикамиз мустақиллика эришган йилларда кенг эътибор бериб келинаётган миллий қадриятларимиз билан боғлиқ халқ хунармандчилиги билан узвий боғлиқ ҳолатда ташкил этилади. Бу турдаги машғулотлар амалда қўлланиладиган асбоб-ускуна, жихоз ва мосламалар, меҳанизациялаштирилган ва электрлаштирилган техника воситалари билан ишлашнинг амалий билим, кўникма ва малакаларини эгаллаш асосий мақсад сифатида белгиланади. Машғулотлар мазмуни қуйидаги вазифаларнинг ечимини топшга каратилади:

- халқ хунармандчилиги сохаларидаги ишлаб чиқариш мазмунига эга вазифаларни ечиши, тажрибалар ўтказиши, ўлчов-текширув, асбоб-ускуналаридан тўгри фойдаланиши:
- Бозор иқтисодиёти қонуниятлари, талаблари асосида сифатли, харидоргир, истеъмол моллари ва иехнат махсулотларини тайёрлашга одатланиши;
- ўзлари тайёрлаган махсулотларни ўзлари истеъмолчига етказишни ўрганиши.

***Дарсдан ташқари машғулотларнинг иккинчи гурухига*** сайёхатлар, фан олимпиадалари, кўргазмалар, ўқувчилар конференциялари, касбнинг энг яхши ишчисини аниқлаш учун ўтказиладиган танловлар, ишлаб чикариш илғорлари билан бўладиган учрашувлар каби тадбирлар киради. Бу турдаги машғулотларнинг моҳияти ва афзаллигини белгилаб берувчи жиҳати кўплаб ўқувчиларни жалб қилиш имкониятини мавжудлиги бўлиб, шу сабабли улар тадбирларнинг оммавий шакллари деб юритилади. Амалга оширган тажриба-синов ишларимиз санаб ўтилган барча шаклдаги машғулотларнинг юксак даражада самарали эканлигини тасдиқлайди. Улар ўқувчиларнинг хозирги замон ишлаб чиқариши асослари тўғрисидаги тасаввурни кенгайтириш, уларни турли касблар билан таништириш имконини беради.

Бу машғулотларнинг камчилиги ўқувчиларни фойдали мехнатга, бевосита ижодий фаолиятига жалб қила олмаслиги билан белгиланади. Шунинг учун ўқувчилар, дарсдан ташқари машғулотнинг мазкур шакли билан бирга, бошқа тўгарак ишида хам қатнашсалар, мақсадга мувофиқ бўлади. Кўпчилик визиятларда бу тавсиямиз ўз тасдиғини топмоқда. Жумладан, ташкил этиладиган кўргазмаларда тўгарак аъзолари ўз ишларини намойиш қиладилар, яъни икки типдаги машғулотларни уйғунлаштирадилар.

Кўргазмага кўплаб таълим муассаларида катта аҳамият билан қаралади, ўқувчилар бундай тадбирларга йил давомида тайёргарлик кўриб борадилар. Биз тажриба-синов этиб белгиланган умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларнинг ўзи ҳақидаги бирор эсдалик фақат техник мехнатгагина эмас, балки қишлоқ хўжалигига ва маиший хизматга оид бўлиши мактабнинг ифтихори бўлади.

Ишлаб чиқариш илғорлари билан учрашувлар яхши самара беради. Лекин бунинг учун тегишли ташкилий-тайёргарлик ишларини олиб бориш талаб этилади. Бу иш ташаббускорлар, яъни ана шу учрашувларни уюштирувчилар гурухини ташкил этишдан бошланади. Ташаббускорлар гурухи учрашувда мухокама этиладиган саволлар ва масалалар доирасини белгилаб беради. Шундан кейин ана шу саволларга жавоб бера оладиган мутахассислар танланади. Учрашувнинг ўқувчиларни касбга йўналтириш ишига тўлароқ жавоб бера олиши қирраларига кўпроқ эътибор каратилади.

Касбга йўналтиришга асосланган ***дарсдан ташқари машзулотлариинг учинчи гурухига*** ўқувчиларнинг мехнат бирлашмалари киради. Мехнат бирлашмалари нисбатан анча илгари пайдо бўлганига қарамасдан, кейинги йилларда, айниқса, кенг қўлланила бошланди. Ўқувчиларнинг мехнат бирлашмалари таълимини унумли мехнат билан қўшиб олиб боришнинг самарали шакли сифатида мехнатда тарбиялаш, касб танлашга йўллаш, ишлаб чиқариш асослари билан таништириш ва мехнатга ижодий муносабатни шакллантириш воситаси сифатида намоён бўлади.

***Хулоса:*** Меҳнат бирлашмаларини ташкил этиш, фақатгина, ўқувчиларнинг моддий, хом ашё таъминотини мустаҳкамлабгина қолмасдан, балки миллий қадриятларимизни тиклаш, касбий таълим тарбия бериш, касбга йўналтириш, тайёрлаш, танлаш, мослаштириш каби долзарб муаммоларни ижобий хал этишда ҳам муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Шундай экан, хар бир мактабда бугунги бозор иқтисодиёти шароитни ҳисобга олган ҳолда, ўқувчиларнинг талаб, эҳтиёж ва қизиқишларини қондириш учун мехнат бирлашмаларининг ташкил этилиши бозор муносабатлари шароитининг зарурий эхтиёжидир.

**Мавзу: Меҳнат таълими асослари бўйича қобилиятли ва истеъдодли ўқувчиларни аниқлаш ва улар билан ишлашнинг шакл ва усуллари.**

**Режа:**

1. Қобилиятли ва истеъдодли ўқувчиларни аниқлашда Ўрта Осиё халқини турмуш тарзини аниқлаш.
2. Хунармандчилик нима.
3. Хунармандчиликнинг келиб чиқиши.
4. Хунармандчиликнинг турлари.
5. Унинг ривожланиши.

Ўрта Осиё халқлари турмушида хунармандичилик мухим ва қадрланадиган машғулот хисобланган. Халқ хунар эгасини эъзозлаб «Уста» деб чақиришар эди. «Йигит кишига етмиш хунар хам оз» мақолининг тез-тез тилга олиниши бежиз эмас. Хатто касб хунарли кишиларнинг хунар кучи, ақл-идроки билан хаётдаги турли машаққатларни бартараф қилишлари халқ оғзаки ижодига кўчиб, афсоналашган, эртакларга ўтган.

Ўрта Осиё қадимдан хунармандчилик марказларидан бири бўлиб келган худуд. Хунарманд боболаримиз ясаган буюмлар шу боис ясахон бозорларида рақобатларга асрлар оша бардош бериб келган.

XIX асрнинг иккинчи ярмида хунармандчилик сохасининг металга ишлов бериш йўналиши мухим ўрин тутди. Улар орасида темирчилик кенг тармоқли ва тор ихтисосли бўлган. Масалан, Самарқанд темирчилари уч гурухга бўлинган.

Биринчи гурухга майда махсулотлар, қармоқлар, арва уклаи тайёрловчилар, иккинчи гурухга эса пичоқ, қайчи, арра ясовчилар кирган. Хунармандчиликнинг келиб чиқиши қадимги тош даврига бориб тақалади. Бу даврда одамлар хали металл ишлатишни билмаганлар, улар асосан оддий тошлардан, йирик хайвонларнинг суякларидан, шохлардан ва дарахтларнинг қаттиқ шохларидан мехнат қуроли сифатида фойдаланганлар. Шу сабали хам бу даврни «Қадимги тош даври» яъни «палеолит» даври деб юритилади.

Бу даврда одамлар ва уларнинг дастлабки мехнат қуроллари пайдо бўлди. Ачинарли томони шундаки, тош қуролларидан бошқа мехнат қуроллари бизгача етиб келмаган. Сўнгги палеолит даврининг ютуқларидан бири найзанинг ихтиро қилиниши бўлди. Найза туфайли овчилик ривожланди. Кишилар онгининг ривожлана бориши туфайли мехнат қуроллари хам такомиллашиб ривожланиб борди. Мехнат қилиш орқали эса хунармандчилик тез ривожланиб борди. Хунармандчиликнинг ривожланиши уларни турларини кўпайишига олиб келди. Унинг ривожланишида кулолларнинг ўзига хос ўрни бор. Ўрта Осиёнинг катта-кичик барча шахарларида кулолчилик тараққий этган эди. XIX аср охирида Риштоннинг ўзидагина 80 та устахона мавжуд эди. Хунармандчиликнинг кенг тарқалган сохаларидан яна бири «харратчилик» эди. Харратлар ип йигириш учун чарх, болалар бешиги ва беланчак, чилим ва ёғоч лаганлар ишлаб чиқарар эдилар. Хивада олакчилик (элакчилик) ривожланган бўлиб, бу хунармандлар бутун бир махаллани ташкил этар эдилар. Шахарларда пахтани қайта ишлаш ва тўқимачилик хунармандчилиги ривожланган эди. Пахта толаси йиғилиб ундан бўз ва олача тўқилар эди. Тўқимачиликнинг ўсиши бўёқчиликнинг вужудга келишида мухим роль ўйнайди. Бўёқчилик машаққатли ва оғир касб эди. Шунингдек, шахарлада совун, шам, озиқ-овқат махсулотлари ишлаб чиқариш мавжуд эди. Ширапазлар, новвойлар, тегирмончилар, қассоблар, жувозчилар, кунчилар, этикдўзлар тайёрлаган махсулотлар хам харидоргир бўлган. Фарғона шойи тўқиш бўйича ўлкада етакчи ўринда турар эди. 1896 йилда Марғилон, Наманган ва Қўқон туманларида 60 та шойи тўқиш устахоналари ишлаган.

Бутун Фарғона вилоятида эса 1387 та шойи тўқиш устахоналарида 3165 ишчи машғул бўлган. Бухоро, Самарқанд, Қўқон, Марғилон, Наманган каби шахарларда шойи,

хонатлас, кановиз каби ўзбек анъанавий шойи газламалари, бекасам, банорас, адрас каби ярим шойи газламалар билан бирга ип газламалар бўз, дока ва бошқалар тайёрланган. Гилам тўқиш, чопондўзлик, каштачилик, дўппи тикиш, намат тайёрлаш хам хунармандчиликнинг мухим, ривожланган турларидан бири эди.

**Мавзу: Ганч ўймакорлиги ва унинг тарихий тараққиёти.**

**Режа:**

1. Ўзбек халқ амалий санъати, унинг тарихи.
2. Ўзбек халқ амалий санъати турлари.
3. Ўрта Осиё халқи санъати, унинг турлари.

Адабиётлар: **1, 3, 6, 12, 13**

Ўзбек халқининг кўп асрлик тарихида халқ амалий безак санъати турлари бой ва ранг-баранг маданий меросимизнинг энг ажойиб ва оммавий қисмини ташкил этади. Ўзбек диёрида вужудга келиб гуллаб яшнаган санъат турлари бемисил ва бетакрорлиги билан дунёга машҳур. Бундай тараққиёт босқичлари ҳақида фикр юритадиган бўлсак, ўзбек амалий безак санъати турларининг шох илдизлари инсониятнинг болалиги, яъни ибтидоий жамиятга бориб тақалишининг гувоҳи бўламиз.

Ўлкамиз заминидаги қатламларини қазишлар натижасида топилган ёдгорликларнинг гувоҳлик беришича, инсоннинг жисмга бадиий ишлов бериш усулида бўюм яратиш фаолияти тош асридаёқ бошланган ва асрлар оша ҳозиргача давом этиб келмоқда.

Амалий санъатга бу қадар чуқур фалсафий ёндошиш натижасида шартлилик, стилизация - рамзийликка асосланган бадиий безак асарлари яратиш Кўчайган. Ушбу тарихий омил ўзбек миллий безак санъатининг гуркираб ривожланишига туртки бўлганки, ҳозирда жаҳонга машҳур меъморчилик ёдгорликларимиз улардаги ганчкорлик, кошинкорлик, наққошлик, хаттотлик, тоштарошлик ва бошқа турдаги санъатларнинг ажойиб даражада уйғунлигидан ва мужассамлигидан иборатдир. Халқ амалий безак санъати кишиларнинг маънавий оламини бойитади, бадиий дидини шакллантиради, руҳиятини тарбиялайди. Шунинг учун ҳам ўзбек халқ амалий санъати кишиларни бадиий ахлоқий, умуминсоний тарбиялаб, уларнинг илмий дунёқарашларини шакллантиришда, ҳамда маданий даражасини оширишда энг зарур манбалардан бири ҳисобланади.

Яқин ўтмишда узбек амалий безак санъатининг энг ривожланган наққошлик, ганчкорлик, тош ва суяк ўймакорлиги, кандакорлик, пичоқчилик, буйрачилик, заргарлик, каштачилик, зардўзлик, гиламдўзлик, кигизчилик, саватчилик каби турларининг ўзига хос бажариш технологиялари, ҳақиқий миллий номлари, уларга хос атамалар, бу санъатларга хос мактаблар, услублар ҳамда шу соҳаларда ном қозонган усталарнинг хизматлари бутун жаҳонга донғи кетган.

Ўрта Осиё наққошлик санъати қадимдан дунёга машҳур. Ўтмишда ота-боболаримиз қурган муҳташам бинолар ҳозирги кунгача мафтункор жилвасини йўқотмаган. Юксак дид билан ишланган нақшлар ҳозиргача бизни ҳайратга солиб келмоқда.

Нақш арабча тасвир, гул деган маънони билдиради. Қуш, ҳайвон, ўсимлик, геометрик ва бошқа шаклларни маълум тартибда такрорланишидан ҳосил қилинган безакдир.

Ислом талабларига бўйсуниш оқибатида жониворлар, паррандалар ва одамларни тасвирлаш йўқолиб бориб наққошлик ривож топди. Араб ёзуви ўзлаштирилди. Натижада нақшлар билан унвонли ёзув (эпиграфика) услуби пайдо бўлди. Араб ёзуви нақшлар билан бирга чизилди. Араб ёзуви ҳам безак, ҳам дуо-афсунлар вазифасини бажарди.

Наққошлик халқ-амалий безак санъатнинг бир тури сифатида қадимдан ўзбек маданиятининг мўҳим бўлаги ҳисобланади. Кўп асрлар мобайнида унинг бадиий анъаналари вужудга кедди. Нақшларда санъатнинг бошқа ҳамма турларидан фарқли равишда авлодларнинг чамбарчас боғлиқлигини, анъаналарнинг давомийлигини кўриш мумкин. Наққошлик анъаналари санъатнинг ана шу турини ўрганиш методлари сифатида ҳам бободан отага, отадан ўғилга ўтиб келган. Ана шу давомийлик туфайли нақш санъати ҳозиргача сақланиб келмоқда. Нақшнинг энг яхши намуналари бой ижодий фантазия орқали бирлаштирилган шаклларнинг мақсадга мувофиқлиги ва гўзаллиги билан фарқланади. Бунда халқ усталарининг атроф муҳитга қарашларидаги тафовут акс этади.

Нақшдаги чизгилар ўйини мусиқадаги оҳанг сингари, қўшиқ ва эртак каби “халқ ҳаётий тажрибасининг катта умумлашмасидан” иборат бўлади.

Бадиий наққошлик рангларнинг уйғунлигида ва ўзига хос композицияларда гўзаллик яратиш санъатидир. Наққош уста ўз ишида рангнинг табиий жилосидан, бежирим шаклдан, материал фактурасидан моҳирлик билан фойдаланиб ёрқин ифодаликка эришади.

Ўзбекистоннинг анъанавий меъморчилигида наққошлик асосан шифтларни, жимжимадор арақиларни, сарой устунларини, масжидлар, мактаблар, бойларнинг уйлари, ёғочдан ясалган буюмларни безашда қўлланган. Нозик ўсимликсимон-геометрик накшдаги ўзаро сингиб кетган новдалар, шохлар ва ҳашаматли тасвирланган гулларнинг ритмик ҳаракати, ўзбек усталарининг ишларидаги ислими ва гирих нақшларининг классик мотивлари шифтларнинг шаклига мосланган. Нақш кўпроқ интерьерларни ва ёпиқ айвон, пешайвонларни безашга хизмат қилади.

Ҳозирги пайтда нақшдан меъморчиликда, уй жиҳозлари, совғалар, майда ёғоч ўйинчоқлар, мусиқа асбоблари ва турмушда керакли буюмларни безашда фойдаланилади.

Бадиий наққошлик санъати ҳозирги кунда кенг тус олмоқда. Матбуот, радио, телевидение, кино орқали кишилар ана шу санъат намуналари ва унинг халқ усталари билан танишмоқдалар. Бу санъаткорлар орасида О.Қосимжонов, Е.Рауфов, А.Болтаев, С.Норқўзиев, А.Азимов, А.Исаев, Б.Абдуллаев, Т.Тўхтаҳўжаев, Ж.Хакимов, Т.Аҳмедов, К.Каримов ва бошқалар бор. Уларнинг ва улардан таълим олган шогирдларнинг ишларини Тошкентдаги амалий санъат музейида, кўргазма залларида, бадиий салонларда, шунингдек, турар-жой ва жамоат биноларида, масалан, Тошкент Давлат цирки, Тошкент темир йўл вокзали фойеси, метро станциялари, меҳмонхоналар, кафелар, ресторанлар, чойхоналар, клублар, завод ва фабрикаларнинг вестибюллари, дам олиш хоналарида кўриш мумкин. Ҳозирги вақтда мактабларда ва мактабдан ташқари муассасаларда тўгараклар тармоғини иложи борича кенгайтириш вазифаси қўйилмоқда.

Халқ наққошлик санъатини ўрганиш ўқувчиларда бадиий дидни, меҳнатсеварликни ривожлантиришга ва қатор фойдали билим ҳамда малакаларни таркиб топтиришга хизмат қилади. Уларнинг ижодий қобилиятларини аниқлаш ва ўстиришга ёрдам беради.

**МАВЗУНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:**

1. Халқ амалий санъати тарихи ва унинг ривожланиши.
2. Наққошликнинг келиб чиқиши ва ўзига хос хусусиятлари.
3. Ўзбек наққошлик мактаблари ҳақида маълумот.

## МАВЗУ: ЭЛЕКТРОТЕХНИКА АСОСЛАРИ ТЕХНИК ХАВФСИЗЛИГИ ЁНҒИНГА ҚАРШИ КУРАШ. ТЕХНИК МОБЕЛЛАШ В КОНСТРУКЦИЯЛАШ ДАРСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ УСЛУБИ.

**Режа:**

1. Электротехника ишларида техник хавфсизлиги қоидалари.
2. Ишни ташкил қилиш.
3. Ишнинг кетма – кетлиги.
4. Хулоса.

**Ясама иссиқлик релъесини конструкциялаш ва моделлаштириш.**

**Керакли анжомлар:**

- Биметал пластинкалар, иккита алюминий, битта темир полоска ўлчамлари:

узунлиги 150 мм.

Эни 10 мм.

Қалинлиги 0,3 мм. дан – 1 мм гача.

Жиҳозлар ва асбоблар:

Иссиқлик релъеси 60 вт – 36 вт.

Чўғланма лампа.

Штепсель вилкали бирлаштириш шнури.

Монтаж симлари.

Электр монтаж асбоблари тўплами.

220 вольтдан, 36 вольтга пасайтирувчи трансформатор.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16 август, №390 қарори билан тасдиқланган “Меҳнат таълимининг янги стандарти”.**

Ўқувчилар меҳнат таълимига оид билим кўникма ва малакаларга эга бўлишлари шарт.

Политехник дунёқарашга эга, умум меҳнат, билим кўникма ва малакаларни эгаллагн бўлишлари керак.

Касблар ҳақида умумий тасаввурга эга бўлиши қишлоқ хўжалигидаги ва маиший соҳалардаги ишлаб чиқариш ҳақида билим ва дастлабки кўникмаларга эга бўлиши, материалларга бадиий ишлов бериш, муайян механизм, мослама ва машиналарнинг чизмаларини тайёрлаш, уй-рўзғор, электр асбобларидан ва газдан хавфсизлик қоидаларига риоя қилиши, содд дурадгорлик ишларини бжара олишлари керак.

Оила иқтисодиёти, оила бюджети, кирим-чиқим, оилда меҳнат тақсимоти, оилавий ишлаб чиқаришни ташкил эта билишлари зарур.

Ўзбекистон Республикасидаги касб ҳунарлар ҳақида билимга эга бўлишлари шарт.

**Электротехника ишларида меҳнат хавфсизлиги.**

Электромагнитли релье ва электр занжирларини монтаж қилишда, электр хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш лозим.

Ток манбаидан, айниқса электр занжиридан изолациялаш ишларида шу объектларни ишлатиб кўришда тўғри фойдаланишга, шунинг одатдаги электромантаж асбобларини тўғри қўллашга жиддий эътибор бериш лозим.

Барча ишлар ўқитувчи иштирокида ва раҳбарлигида бажарилиши шарт.

Электр симларини йўл қўйиладиган ҳароратдан юқори даражада қизитмасликни ҳисобга олиб конструкцияланади. Симлардн меъёридан ортиқ ток ўтганида у қизийди. Симнинг изоляцияси дош бераоломагач, қисқа туташув содир бўлади. Натижада ёнғин чиқиши мумкин.

Хононларда пробка типидаги релъелардан фойдаланилади. Улар қисқа туташувларда тез ишлаб кетади.

Иссиқлик таъсирида эгиладиган биметал пластинка иссиқлик релъесининг асосини ташкил этади.

Шу хусусиятига асосланиб, иссиқлик релъесини ишлаб чиқамиз.

Унинг таркибига, изоляция ашёсидан иборат оёқлар ўрнатилган асос қисқичлар киради.

Уларга вилкалик электр шнур уланади. Асосга лампа патрон уланади. Патронга эса электр лампа уланади. Патрондан маълум масофада асосга винтлар ёрдамида стойка маҳкамланади ва унга ростлаш винти бураб киритилади. Стойканинг пстки қисмидаги қоплагичга эгилувчан контакт пластинкаси қотирилади.

Ростлаш винтининг вазифаси, эгилувчан контакт пластинкасини стойкадан узиб қўйишдир. Лампа яқинига маҳкамланган биметал, контакт пластинка ўртасидаги оралиқни ростлаш.

Пластинка ёнига жойлашган ва вилка ёрдамида шнур билан ёритиш тармоғига уланган 75 ватлик лампа уланганида у қизийди ва бир неча секундда биметал пластинка эгилади ва натижада лампа ўчади.

Биметал пластинка тез совийди ва яна занжир уланиб лампа ёнади. Шу тариқа лампа ўчиб ёнаверади.

Иссиқлик релъеларида фойдаланиладиган биметал пластинкалар чизиқли кенгайиши турлича металларда турлича бўлади.

100 с. қизиганда узунлиги 1 м мис стержен 1,65 мм узаяди.

100 с. ———————————— темир 1,15 мм узаяди

100 с. ———————————— алюминий 2,38 мм узаяди

100 с. ———————————— рух 2,91 мм узаяди

Релъэ учун биметал пластинкани, иккита алюминий ва темир полоскалардан тайёрланади.

Бунинг учун уларни бир-бирига жуфтлаб, қаттиқ сиқиб бир нечта тешик ҳосил қилиб, мис парчин мих ёрдамида бириктирилади.

Полоскаларнинг ўлчамлари узунлиги 150 мм.

Эни 10 мм.

Қалинлиги 0,03 дан 1 мм гача.

Ясама иссиқлик релъэсини электр занжирини монтаж қилиб ишлатиб кўрилади.

Бунда албатта 220 вольтни 36 вольтли пасайтирувчи трансформатордан фойдаланилади.

Ҳозирда автоматикага мутлақо боғлиқ бўлмаган, ундан фойдаланмадиган касбни топиш қийин. Шунинг учун электротехника, элетромонтаж ишларининг тузилиши ва ишлатиш принципларини билишимиз шарт.

Ишнинг якунида мустақил равишда монтаж ишларини бажаришимиз керак. Ютуқ ва камчиликлар ўқитувчи томонидан кўрсатиб берилади ва хулоса чиқарилади.

Автоматлаштириш ишлари кенг қамровли бўлиб, унинг келажаги порлоқ. Шу сабабли электротехника ишларини мукаммал ўзлаштирмоғимиз зарур.